

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ
289 –СОҢЛИ МАЖЛИСИ қарорлари

29 январь 2020 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Раис – проф. Х.А.Акилов

Котиба – доц. Гулямова М.К.

Кенгаш аъзолари - 72 кишидан 67 киши

Кун тартиби:

1. ЎзР Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳақида. Институт ректори, Олимлар кенгаши раиси, проф.Х.А.Акилов.

2. Терапия факультетида олиб борилаётган ўқув-услубий, илмий ва даволаш ишлари ҳақида ҳисобот. Факультет декани проф.Хамрабаева Ф.И.

3. Клиник лаборатор диагностика ва халқ таъбири ва нейрореабилитация кафедрасининг ҳисоботи. Кафедра мудирлари ва ишчи гуруҳи раиси ахбороти

4. Ҳомиладор аёлларда ўткир лейкозлар. Исхаков Э.Дж.

5. Турли масалалар.

Лавозимлар ва унвонга танловлар

Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Олимлар кенгашида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси юзасидан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Олимлар Кенгаш йиғилиши қарорининг лойиҳаси

2020 йил — Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб белгиланди. Ушбу йилда Нукус, Бухоро, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида IT-парклар ташкил этилади. «Электрон ҳукумат» тизимининг барча ташкилий ва институционал масалалари ҳал этилади.

Шунингдек, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш ишлари бошланади. Яқин икки йилда барча қишлоқ ва маҳаллалар тезкор интернет билан таъминланади.

«Рақамли Ўзбекистон-2030» дастури ишлаб чиқилиши, ишларни тизимли ташкил этиш учун ҳукуматда бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилиши мурожаатномада таъкидланди.

Президент 2019 йили ўтказилган парламент сайловини эслаб, сайлов жараёнларини янада такомиллаштириш бўйича алоҳида масалаларни маълум қилди:

Сайлов комиссияси ва аҳолининг сайлов маданиятини ошириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Таълим йўналишида мурожаатномада белгиланган вазифалар қуйидагича:

мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови 25 фоиздан 50–60 фоизга етказилиши, ОТМ давлат гранти асосида қабул икки баробар оширилади, шунингдек, қизлар учун алоҳида давлат грантлари жорий этилиши, ўқишга кириш соддалаштирилиб, она тили бўйича билимларни баҳолашнинг миллий тест тизими пайдо бўлади, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга камаяди, олий таълим ўқув жараёнида кредит-модул тизими жорий этилади, педагогик таълимнинг бта йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил этиб белгиланиб, 10та ОТМ ўзини-ўзи молиялаш тизимига ўтиб, камида 5та ОТМ трансформация қилиниши таъкидланди.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни боғчаларга қамраб олиш кўрсаткичини 60 фоизга етказиш, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий қилиш, уларга 130млрд сўм маблағ ажратилиши, 2020 йилда 36та янги мактаб қурилиб, 216таси капитал таъмирдан чиқарилиши ва бу ишларга эса 1,7 трлнсўм маблағ сарфланиши режалаштирилганлиги айтиб ўтилган.

Жорий йилда 55та хусусий мактаб ташкил этилиши, уларнинг республикадаги умумий сони 141тага етказилиши, юқори малакали ўқитувчилар маошини янада ошириш масаласи давом этиши, профессионал касб-ҳунар таълимда янги тизим йўлга қўйилиб, 340та касб-ҳунар мактаби, 147та коллеж ва 143та техникум ташкил этилиши белгиланди.

Пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилинади. Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш кабилардан воз кечилади. Аграр соҳанин бошқа соҳаларига ҳам арзон кредитлар ажратилиши йўлга қўйилиб, жорий йилда 2 миллиард АҚШ долларига тенг, келгуси 5–7 йилда эса бундан 3–4 баравар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилиши, аграр секторда барқарор ривожланишни таъминлаш учун

«Кооперация ва кластерлар тўғрисида»ги янги қонун қабул қилиниши кўрсатиб ўтилди.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиб, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этилиши режалаштирилганлиги таъкидланди.

Мурожаатномада Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш, Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислоҳ этиш, Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни кўпайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлиги борасида тўхталди.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш режалаштирилганлиги қайд этилди. Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибида кузатиб бориш тизимини яратишдоларб вазифа эканлиги таъкидланди.

“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслиги” мурожаатномада алоҳида тўхталиб, ушбу вазифалар тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши таклиф этилди.

1. ТошВМОИ проректорлари, бўлим бошлиқлари, факультет деканлари, кафедра мудирларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ижро учун қабул қилинсин.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси барча факультет илмий кенгаш йиғилишларида ходимларга етказилсин.

1.3. Курсантлар орасида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилсин.

1.4. Ислохотлар самарадорлиги қуйидаги тўртта омилга: қонун устуворлиги, коррупцияга қарши қатъий кураш, институционал салоҳиятни юксалтириш, кучли демократик институтларни шакллантириш боғлиқлиги бўйича йиғилишлар ўтказилсин.

1.5. Жорий йилда илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқилсин.

1.6. Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базаси шакллантирилсин. Нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилсин.

1.7. “Scopus, web of science” каби илмий журналларда мақолаларни чоп этиш ишларини такомиллаштириш.

1.8. Кафедраларда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари назоратга олинсин, коррупцияга қарши курашиш тўғрисида ходимлар ва курсантлар орасида мунтазам тарғибот ишлари йўлга қўйилсин.

1.9. ТошВМОИнинг 54 та кафедраларида кредит модул тизими бўйича ўқув дастурлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритилиши инобатга олинсин.

1.10. Институтнинг “Шифокор” меҳмонхона типигадаги ётоқхонада ички тартиб интизом, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан профессор ўқитувчилар томонидан маъруза, суҳбат жараёнларини ташкил этиш бўйича навбатчилик жорий этилган.

2. ТошВМОИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи Ф.Ф. Шигаева ва “Шифокор” меҳмонхона типигадаги ётоқхонада бошлиғи Ж.Ч. Саидазизовларга:

Институтнинг ўқув бўлими ва “Шифокор” меҳмонхона типигадаги ётоқхонасида курсантларнинг фикрларини таҳлил қилиш ва назорат қилиш мақсадида “Фикр билдириш” махсус қутилари ташкил этилсин.

3. Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ш.Р. Максудова ва Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи Р.К. Исламовларга:

ТошВМОИда ўқув жараёнига коррупцияга қарши курашиш дастурларини жорий этиш коррупциянинг олдини олиш ва ходимларнинг коррупцион хатти-харакатларига йўл қўймаслик мақсадида ахборот стенди ва реклама плакатини жойлаштириш масаласи ҳал қилинсин.

4. Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Ш.Р. Максудовага:

Профессор ўқитувчилари томонидан коррупция ва таъмагирликка қарши кураш бўйича газеталарда мақолалар чоп этиш, радио ва телевидение орқали чиқишларни ташкил этилсин.

II. Терапия факультетида олиб борилаётган ўқув-услубий, илмий ва даволаш ишлари ҳақида ҳисоботбўйича:

- Ўқув дастурларини инновацион ғоялар ва технологиялар, замонавий таълим усуллари билан бойитиш асосида ишлаб чиқиш;
- Педагогик фаолиятда ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан фаол фойдаланиш;
- Клиник аллергология, сомнология ва геронтология йўналишлари бўйича бошқа кафедралар билан қисқа муддатли интеграциялашган циклларни ташкил этиш;
- 2019-20 ўқув календар режасига мақсадли ва мантқиқли циклларни қўйиш ва масофадан туриб ўқитиш циклларини киритиш;
- Хорижий мутахассилар билан ҳамкорликни жадаллаштириш; Илғор хорижий клиникалар ва олий тиббий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш (Вебинар, маҳорат сабоқлари), шу жумладан профессор-ўқитувчиларни хорижда малакаларини оширишларига аълоҳида эътибор қаратиш;
- Кафедраларда кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтириш;
- Факультетнинг ҳамма кафедраларида илмий йўналишларни жонлантириш в мақола, монография ва дарсликлар намунасини кўпайтириш;

III. Клиник лаборатор диагностика ва халқ табobati ва нейрореабилитация кафедрасининг ҳисоботллари қабул қилинсин.

IV. Ҳомиладор аёлларда ўткир лейкозлар номли маъруза қабул қилинсин. 5. **V.** Турли масалалар.

Лавозимлар ва унвонга танловлар

Хирургия ва болалар хирургияси кафедрасининг доценти лавозимига Хаккулов Эркин Бекмирзаевич, халқ табobati ва нейрореабилитация кафедрасининг доценти лавозимига Шадмонова Лола Абдужалиловна ва гематология ва трансфузиология ихтисослиги бўйича доцент лавозимига Убайдуллаева Зухра Ибрагимовналар танловдан ўтган деб ҳисоблансин.

ТошВМОИ Олимлар

Кенгаш раиси, профессор

Х.А.Акилов

Олимлар кенгаши котибаси

М.К.Гулямова